ЭЛГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ҲИММАТ 2-бет

УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР 3-бет

КАСАБА УЮШМАСИ ҲАЁТИ 4-5-бетлар

БУЮК МЕРОС ВА МИЛЛАТ САЛОМАТЛИГИ 6-бет

ЧОРШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 37 (10.342) / 2005 ЙИЛ 23 ФЕВРАЛЬ

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

● **ШАҲРИМИЗДА** «Ўзбекенгилсаноат» Давлат акционерлик компанияси ташаббуси билан «Баҳор-ёз-2005» деб номланган халқ истеъмоли моллари ярмаркаси бошланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Республика Онкология маркази ҳамкорликларида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талабалар, ўқитувчилар, тиббиёт соҳаси мутахассислари иштирокида ўтказилган семинар «Қалқонсимон без касалликлари ва унинг келиб чиқиш сабаблари» деб номланди.

● **СЕРГЕЛИ** туманидаги 301-мактабда ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида уюштирилган тадбир академик ёзувчи Ойбек таваллудининг 100 йиллигига бағишланди.

● **ТОШКЕНТ** тўқимачилик ва енгил саноат институтига Германиянинг Шлафхорст — Заурер ва Трючлер фирмалари томонидан қиймати бир миллион беш юз минг евро миқдоридаги замонавий йигирилган ип ишлаб чиқариш технологик машина ва жиҳозларини беғараз ёрдам сифатида тақдим этиш тўғрисида шартнома имзоланди.

● **КЕЧА** Хуршид номли маданият уйида «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Яккасарой туман бўлимлари, туман ФҲДЁ бўлими, «Оила ва аёл» маркази ҳамкорликларида «Ёш келин-куёвлар» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида «Шоввозлар» театр-студияси ташкил этилганлигининг 10 йиллигига бағишлаб гала концерт ҳамда театр шоуси уюштирилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲАЁТИ



Кўплаб жамоат тузилмалари қаторида касаба уюшмаларининг ҳам жамиятимиз ҳаётида ўрни бор. Уларга мустақил давлатимизнинг устувор тамойили - кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда катта ҳуқуқ ва ваколатлар берилган.

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши фойдали меҳнат билан банд бўлган пойтахт аҳолисининг ҳуқуқий манфаатларини таъминлашда асосий куч бўлиб қолмоқда ва бунга қуйидаги рақамлар ҳам далилдир.

620 мингга яқин аъзосига эга бўлган Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши тасарруфида 13 та тармоқ ва 5,7 мингга яқин бошланғич ташкилотлар мавжуд. Кейинги беш йил мобайнида касаба уюшмалари ажратмалари ҳисобидан жамоа шартномалари амалда бўлган корхона ва ташкилотларнинг 15 минг ишчи ва хизматчилари ҳамда уларнинг 215 мингдан зиёд фарзандлари турли сиҳатгоҳларда дам олиш имкониятига эга бўлди.

Бугунги бозор ислоҳотлари жараёнида касаба уюшмалари ўз вазифаларини қандай амалга оширмоқда? Бу ҳақда **ЭРТАГА**, 24 февраль куни бўлиб ўтадиган Тошкент шаҳар касаба уюшмаларининг IV уюшмалараро конференциясида сўз боради. Анжуманда кейинги беш йил ичида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинади.

**СУРАТДА: Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши ҳамда тармоқ касаба уюшмалари шаҳар ташкилотларининг масъул ходимлари ўзаро мулоқотда.**

**Бурҳон Ризоқулов олган сурат.**

(Тошкент шаҳар касаба уюшмалари фаолияти ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар билан газетанинг 4-5 саҳифаларида танишасиз).

## ЙИЛ ЯКУНЛАРИ: ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР

**Давлат солиқ қўмитасининг ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида ҳамда ҳукуматимизнинг янги тайинланган аъзолари билан ўтказилган кенгашда сўзлаган нутқида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш ва солиқ органларининг 2004 йилдаги фаолияти якунларига оид масалалар муҳокама этилди.**

Ҳукуматимизнинг 2004 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига бағишлаб ўтказилган мажлисида солиқ идоралари олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишига ҳам жиддий эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, 2004 йил учун давлат бюджетига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш юзасидан белгиланган кўрсаткичлар 103,3 фоизга бажарилди. Умумий тушумлар ҳажми 2003 йилга нисбатан 120,2 фоизни ташкил этди. Республика бўйича белгиланган асосий саккизта солиқ манбаининг барчасида кўрсаткичларнинг бажарилиши таъминланди.

Мамлакатимиз ички истеъмол бозорига товарлар олиб кириш ва сотиш тартибига қатъий риоя этиш, пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини қисқартириш, нақд пул тушумини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Йиғилишда бу борадаги ишларни бажаришда масъулиятсизликка йўл қўяётган раҳбар ходимлар танқид остига олинди. Солиқ органлари ходимлари орасида ҳали ҳануз ўз мансабини суиистеъмол қилувчи, таниш-билишчилик иллатларига берилган лоқайд шахслар йўқ эмас. Қолаверса, улар орасида солиқ қонунчилигини бузаётган тадбиркорларга панох бўлаётганлари ҳам мавжуд.

Қўмита матбуот хизматидан маълум қилишларича, мажлисда бундай салбий иллатларга қарши курашда суст фаолият кўрсатаётган, шахсий таркиб ўртасида профилактик ишларни талаб даражасида ташкил этмаган, хизмат малакаси паст мансабдор шахсларнинг 24 нафарига қатъий чоралар кўрилиб, 12 нафари лавозимидан озод этилган.

Бундай ҳолатлар такрорланмаслиги учун назорат ишларини янада кучайтириш, тизимда кадрлар масаласига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди. Кадрларни танлашда маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчиликка йўл қўймаслик, тизимда коррупцияга қарши курашиш ишларини кучайтириш, ҳар томонлама билимли, изланувчан, ташаббускор, масъулиятли ходимлар ишлашини таъминлаш лозим. Бу борада аттестация, ротация каби усуллардан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**ЎзА**

## XXI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

● Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятлари ҳокимлари ўринбосарлари ҳамда туманлар ҳокимларининг уч кунлик минтақавий семинар-тренинги бошланди.

● Тошкентдаги «Dedeman silk road» меҳмонхонасида Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси ҳамда ушбу меҳмонхона ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Иқтисодиёт институтида «Макроиқтисодий барқарорлик ва бюджет сиёсати» мавзуида семинар ўтказилди.

● Тошкент вилоятидаги Р.Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида ўтказилган илмий-амалий анжуман боғлардан юқори ҳосил олишнинг замонавий усул ҳамда технологияларига бағишланди.

● Андижон шаҳрида вилоят савдо-саноат палатаси ташаббуси билан халқ усталари томонидан тайёрланган дўппиларнинг кўргазмаси очилди. Ташкилотчиларнинг фикрича, ушбу кўргазмани ўтказишдан мақсад энг яхши усталарнинг тажрибасини ўрганиш ва бу соҳага ёшлар эътиборини кўпроқ жалб этишдир.

● Шаҳрихон туманидаги Дўлон қишлоғида «Нурмаскан» хусусий фирмасининг халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги тикув цехи ишга тушди. Ҳозирда бу ерда ўқув ишлаб чиқариш муваффақиятли йигирма нафар битирувчиси ишламоқда.

### Жаҳонда

● Австралия, Янги Зеландия ва АСЕАН ташкилотига аъзо мамлакатларнинг савдо соҳаси вакиллари Мельбурнда эркин савдо тўғрисида музокараларни бошлашди.

● Шимолий Корея агарда АҚШ очиқ сиёсат олиб борса, олти томонлама музокараларга қайтишга тайёр эканини ва уни тўхтатиш нияти йўқлигини билдирди.

● Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК)нинг жаҳон нефть бозори аҳволи ва истиқболлари ҳақидаги маърузасида айтилишича, жорий йилда дунё бўйича нефть истеъмол қилиш кўрсаткичи кунига 83,78 миллион баррелга етади.

● Кеча Эроннинг Жануби-шарқий қисмида жойлашган Керман музофотида Рихтер шкаласи бўйича 6,4 баллик кучли зилзила содир бўлди. Табиий офат оқибатида сўнгги маълумотларга кўра 400 га яқин киши ҳаётдан кўз юмди, бир нечта қишлоқлар вайрон бўлди.

● Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Болгарияда ўтказилган «Странжа» халқаро турнирида муваффақиятли иштирок этиб, қатор совринли ўринларни эгаллашди.

*Тадбирлар*

## ОЙБЕК — СЕРҚИРРА ИЖОДКОР

**Шу кунларда мамлакатимиз бўйлаб Ўзбекистон халқ ёзувчиси, ўзбек адабиёти ривожига катта ҳисса қўшган академик адиб Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланмоқда.**

Юнусобод туманидаги Комил Ёрматов номидаги 12-мактабда ҳам "Миллатни уйғотган адиб" мавзусида ҳафталик ўтказилди. Ҳафталик давомида 5-"в" синфида "Ойбек — моҳир ҳикоянавис" деб номланган очиқ дарс, 6-"б" синфида "Ойбек шеърияти шайдосиман" мавзусида давра суҳбати, 9-"а" ва 9-"б" синфлари ўртасида "Ойбек-серқирра ижодкор" мавзусида "Заковат" беллашуви ўтказилди. Ниҳоят, ҳафталик якунида ташкиллаштирилган "100 ёшинг қутлуғ бўлсин!" мавзусидаги адабий кеча орқали ўқувчилар Ойбек ижоди билан янада яқинроқ танишишди.

Якуний тадбирни мактаб директори Гулнора Эргашева кириш сўзи билан очиб, Ойбекнинг серқирра ижоди, жўшқин ва серташвиш ҳаёти ҳақида гапирди. Шундан сўнг, мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланган шеър ва қўшиқлар, рақслар бошланиб кетди. Айниқса, адиб асарлари асосида тайёрланган саҳна кўринишлари кечага ўзгача файз киритиб, йиғилганларда чуқур таассурот қолдирди. Адабий кеча орқали ўқувчилар Ойбек ижодининг улкан аҳамиятини, тарихимизни ўрганишда, маънавиятимизни оширишда ўзига хос манба эканлигини яна бир бор ҳис қилдилар.

**Гўзал УМАРОВА,**
**12-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси.**

*Алоқа*

## ТЕЗ, ҚУЛАЙ ВА ИШОНЧЛИ

**Нидерландиянинг "ТНТ-экспресс" компанияси Ўзбекистонда ҳам ўз агентлигига эга бўлди. "ВЕК Коунрер" деб номланган бу агентлик давлатлараро турли юк, почта ва жўнатмаларни белгиланган манзилларга тез, қулай, ишончли тарзда етказиб бериш билан шуғуллана бошлади.**

Бу жараённинг яна бир қулайлиги шундаки, четга юборилаётган буюмлар шу ернинг ўзида сараланиб, махсус қутиларга жойлаштирилиб, жойларга жўнатилади.

Амалга оширилаётган ишларни мижозлар агентлик ходимлари ёрдамида ёхуд Интернет алоқа тизими орқали кузатиб туриш имконига ҳам эга бўладилар. Айни вақтда бунда уяли алоқа воситасининг СМС тизимидан фойдаланиш мумкин.

Бугунги кунда агентликнинг Самарқанд, Фарғона, Қарши каби шаҳарларда шуъбалари фаолият кўрсатмоқда.

**Акбар АЛИЕВ**

*Қарор ва ижро*

# КЕКСАЛИК МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

**Ўтган йилнинг 2 декабрида «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонун қабул қилинган эди. Кўп ўтмай мазкур қонун ижросини таъминлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди.**

Республика Марказий банки ҳузуридаги банк-молия тизимини ривожлантириш ва эркинлаштиришни прогнозлаш институтининг гуруҳ раҳбари Эркин МУҲИДДИНОВ мазкур ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида ЎзА мухбирига қуйидагиларни гапириб берди:

— Бу муҳим ҳужжатлар қўшимча равишда жамғариб бориладиган пенсия таъминотини шакллантириш орқали фуқароларнинг кексайган пайтда янада фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш, нафақахўрларнинг амалдаги пенсия тўловларига қўшимча даромад олиш имкониятини кенгайтиришга қаратилган.

Барча корхона, муассаса ва ташкилотлар шу йилнинг 1 январидан умумий даромадлар, яъни иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга нисбатан белгиланган миқдорда ҳисобланган бадалларни ҳар бир ходимнинг (жумладан, ишловчи нафақахўрлар) Халқ банки филиалларида очилган махсус жамғариб бориладиган пенсия таъминоти ҳисоб варақаларига ўтказаяпти.

Халқ банки, қонунга мувофиқ, ушбу маблағларга нисбатан инфляция даражасидан юқори бўлган фоизлардаги даромадни жамғариб бориладиган пенсия таъминоти ҳисоб варақаларига қайд этиб боради. Ходимлар пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлганда давлат пенсиясига қўшимча равишда Халқ банкидаги махсус ҳисоб рақамида ўтказилган бадалларни фоизлар билан бир вақтнинг ўзида олади.

Қарорга мувофиқ ходимларнинг Халқ банкидаги шахсий жамғариб бориладиган пенсия таъминоти ҳисоб варақаларига ўтказиладиган бадал умумий даромаднинг бир фоизи миқдорида белгиланган. Бунда ушбу суммага тенг равишда ҳисобланган даромад солиқлари миқдори камайтирилади, яъни ишловчи даромадига таъсир кўрсатувчи ҳеч қандай қўшимча тўловлар амалга оширилмайди.

Барча корхона, муассаса ва ташкилотлар меҳнат шартномасига асосан ишловчилар умумий рўйхатини ва ҳар бир ходимнинг ички ишлар бўлимлари паспорт хизмати томонидан шахсий рақам қўйилган анкеталарини корхона жойлашган ҳудуддаги Халқ банки филиалларига белгиланган тартибда етказади.

Халқ банкининг ҳудудий филиаллари ушбу ҳужжатлар асосида ҳар бир ишловчи учун алоҳида такрорланмайдиган, умрбод унга тегишли бўлиб қоладиган махсус ҳисоб рақами очади, шунингдек, ҳар бир ходим учун «Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси» берилишини таъминлайди. Иш берувчилар ҳар ойда ходимларнинг даромадларидан жамғариладиган пенсия таъминоти тизимига бадалларни ўтказиб боради. Шу йилнинг февраль ойидан Халқ банки филиаллари иш берувчилар томонидан пул ўтказиш ҳақидаги ҳужжатларни қабул қилишни бошлади.

Меҳнат шартномаси асосида ишламайдиган фуқаролар, юридик шахс мақомига эга бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон хўжалиги аъзолари ва бошқа жисмоний шахслар ҳам ихтиёрий равишда жамғариб бориладиган пенсия тизимига қўшилиши мумкин. Бунинг учун улар яшаш жойидаги Халқ банки филиалларига мурожаат этишлари лозим.

**ЎзА мухбири**
**Жамшид РАУПОВ**
**ёзиб олди.**

*Диққат, янгилик!*

# ЗАМОНАВИЙ ШОҲБЕКАТ ИШГА ТУШДИ

**Шаҳримиз тобора чирой очар экан, унинг кўркамлигида нафақат муҳташам иморатлар, балки равон йўл ва кўприклар, шинам уйлар, барча қулайликларга эга шоҳбекатлар ҳам муносиб қиёфа касб этмоқда.**

Куни кеча Мирзо Улуғбек туманидаги «ТТЗ» мавзесида йўловчиларга янада қулайлик яратиш мақсадида янги замонавий шоҳбекат фойдаланишга топширилди.

«ТошкентбошрежаЛИТИ» институтининг етакчи мутахассислари лойиҳаси асосида бунёд этилган мазкур шоҳбекатнинг бош пудратчиси «Ўзавтойўл» концернидир. Қурилишнинг буюртмачиси эса «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компаниясига қарашли Тошкент метрополитени қурилиши дирекцияси бўлиб, белгиланган режа жадал суръатларда бажарилишида ёрдамчи пудратчи ташкилотларнинг ҳам ҳиссалари салмоқли бўлди. Тошкент вилоятидан Қибрай тумани йўл хўжалиги пудрат-таъмирлаш бошқармаси, Чирчиқ, Паркент, Оққўрғон, Янгийўл қурилиш ташкилотларининг ғайрат-шижоатли йўл қурувчилари, «Тошшаҳарнур», «Сувсоз» трести ана шулар жумласидандир.



Замонавий шоҳбекатнинг умумий майдони 1,12 гектарни эгаллайди, унда 19 та сифатли, кўркамлик бахш этган черепицалар билан ёпилган соябонлар, йўловчилар учун қулай ўриндиқлар ўрнатилган. Шунингдек, бу ерда ҳар томонлама қулай бўлган иккита нозимхона ҳамда ҳайдовчилар учун мўлжалланган шинам, яхши жиҳозланган дам олиш хоналари мавжуд. Йўловчиларнинг манзилларига яқин, оғирларини енгил қилиш мақсадида 16, 19, 49, 24, 101-йўналишлардаги автобуслар ҳамда 41, 6, 39, 53-маршрут таксилари ҳайдовчилари аҳолига намунали транспорт хизмати кўрсатишга бел боғлаганлар. Ушбу йўналишларда қатнайдиган транспорт воситалари мавзеда истиқомат қилувчи фуқароларни шаҳар маркази, Тошкент вилояти, хусусан Чирчиқ шаҳри билан ҳам боғлайди.



**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**СУРАТЛАРДА: барча қулайликларга эга бўлган янги шоҳбекатнинг ишга туширилишини аҳолига намунали транспорт хизмати кўрсатиш борасидаги яна бир муваффақиятли қадам, деб ҳисоблаш мумкин.**

**Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.**

*Тадбиркорлик*

**"Мурувват текс" масъулияти чекланган жамияти чеварларининг сафи кенгайиб 76 нафарга етди. Бунинг асосий боиси эса талаблар асосида буюртмаларни тез ва сифатли адо этаётган жамоага харидорларнинг ишончи ортиб бораётганлигидадир.**

# БУЮРТМАЛАР КЎПАЙМОҚДА

Чилонзор туманидаги "Чилонзор" маҳалласида кам таъминланган ва кўп болали оилалардаги хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида ўтган йил охирида ташкил этилган корхонада 44 та хотин-қиз ўқитилиб, иш билан таъминланган эди. Ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, буюртмаларнинг кўпайиши чеварлар сафининг кенгайишини тақозо этди. Шунинг учун ҳам иш икки сменада ташкил этилиб, яна 32 нафар аёл махсус тайёргарликдан ўтиб меҳнат фаолиятини бошлади. Корхонада меҳнат қилаётган ҳар бир ходимнинг ўз ўрни бўлиб, улар Япония ҳамда Туркиядан келтириб ўрнатилган ускуна ва дастгоҳларни моҳирлик билан бошқариш асносида сифатли ҳамда рақобатбардош маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлишмоқда.

— Айни пайтда пойтахтимиздаги "Ўзкабель" корхонаси ишчи-хизматчилари учун 1070 та махсус кийимлар тикишни ниҳоясига етказаяпмиз, — дейди корхона директори Азимжон Юсупов. — Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, махсус кийим-кечаклар тикишга ихтисослашган корхонамиз модельер-бичиқчилари юқори малакага эга бўлиб, ҳар бир соҳа ходимларининг меҳнат шароитларига мос маҳсулот тайёрлашда изланишдан чарчамайди. Албатта, бу борада буюртмачи талаби, диди ўрганилади.

Ҳозирда ана шундай махсус кийимларни "Музипекс", "Кўкдумалоқгаз" қўшма корхоналари ишчи-хизматчилари учун ҳам тикяпмиз. Маҳсулотларимиз айни пайтда хорижий ва маҳаллий матолардан тайёрланаётганлиги харидор талабини қондирмоқда.

"Ўзгазинженеринг" шўъба корхонаси таъсисчилигида маҳалла тадбиркорлари ва фаолларининг кўмаги, ташаббуси билан иш бошлаган жамоада йил давомида ишлаб чиқаришни ривожлантириш асосида қўшимча ишчи ўринлари яратиш ҳам кўзда тутилган. Албатта, биринчи ўринда маҳаллалардаги ёрдамга муҳтож оилаларнинг аъзолари иш билан таъминланади. Ишчи-ходимларга яратилган қулай иш ва дам олиш шароитлари эса нафақат бу ерда меҳнат қилаётган хотин-қизлар, балки уларнинг оила аъзоларини ҳам мамнун этмоқда. Бундай кичик корхоналар, тадбиркорлик субъектларининг маҳаллаларда иш бошлаши хонадонлар фаровонлигида муҳим ҳисса бўлади.



**Дилноза СОДИҚОВА**

**СУРАТДА: чевар Дилноза Ғуломова иш унумига муносиб ҳисса қўшмоқда.**

*Бугуннинг гапи*

# УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ: ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

**Февраль коммунал хўжалиги борасида Президент томонидан имзоланган иккита жуда муҳим қарорнинг ҳаётга татбиқ этила бошлаши билан аҳамиятли ой бўлди. Бу «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 10 февралдаги ҳамда «Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 11 февралда чиққан қарорлардир.**

Бундай қарорларнинг қабул қилинишини эса аллақачон даврнинг ўзи тақозо этмоқда эди. Жумладан, уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги ишларни такомиллаштириш зарурлиги тўғрисида мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида ҳам тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтган эди: **«Навбатдаги устувор вазифа—уй-жой коммунал хўжалигини ислоҳ қилишга ниҳоятда жиддий эътибор қаратишдан иборат.**

**Коммунал хизматлар, айниқса иссиқлик энергияси, иссиқ ва совуқ сув истеъмолини ҳисобга оладиган асбоб-ускуналарнинг етарли даражада эмаслиги ҳамон жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. Бу эса ана шу ресурсларнинг кўплаб исроф бўлишига, тарифларнинг асоссиз ўсишига, аҳоли қарздорлигининг юзага келишига сабаб бўлмоқда.**

**Шуни тан олиш керакки, бизда коммунал тармоқлардан самарали фойдаланиш тизими, бу тармоқларни капитал тарзда алмаштириш ва модернизациялаш, умуман олганда аҳолига коммунал-маиший хизмат кўрсатишнинг таъсирчан механизми амалда яратилмаган.**

**Кўп қаватли уй-жой фондини бошқариш иши мутлақо қониқарсиз аҳволда. Ташкил этилган уй-жой мулкдорлари ширкатлари турар-жойлардан фойдаланиш ва сақлаш ишидан умуман бехабар бўлган, тасодифий кишиларга топшириб қўйилган.**

**Уй-жой коммунал хўжалигидан фойдаланиш ва уни сақлаш борасида ҳам бозор механизми амалда шакллантирилмаган Буларнинг барчаси ҳақли равишда аҳолининг жиддий эътирозларига сабаб бўлмоқда, мавжуд муаммолар эса шошма-шошарлик билан юзаки ҳал қилинмоқда...»**

Шуни айтиш керакки, бизда уй-жой коммунал хўжалигини ислоҳ қилиш ишлари турар-жойларни хусусийлаштиришдан бошланди. Мулкчиликнинг янги шакли уй-жой фондини бошқаришнинг янги тизимини ишлаб чиқиш, коммунал хизмат кўрсатувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг такомиллаштирилишини тақозо этарди. Шу тариқа кўпгина оралиқ тузилмалар қисқартирилди. Бироқ, уй-жой мулкдорлари ширкатларининг тузилишида уй-жой эгалари лоқайдлик ва ташаббуссизлик кўрсатди. Натижада ширкатлар раҳбарлигига кимларнингдир танишлари ва қариндошлари, эскича ишлашга ўрганиб қолганлар, бир сўз билан айтганда «уй-жойлардан фойдаланиш ва уни сақлашдан» анча узоқда бўлган кишилар ўрнашиб олди. Аниқ фактларнинг шоҳидлик беришича, кўпгина масалалар умуман диққат марказидан четда қолди. Шу сабабдан ҳозир энг қисқа муддатларда уй-жой коммунал хўжалигини ислоҳ қилишнинг кўламли дастурини тайёрлаш, унинг бажарилиши юзасидан барча чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси қўйилган.

Агарда бошқа мамлакатлар тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, у ерда вазият ўзгача ва енгил. Масалан, Венгрияни олайлик. Бу ерда уй-жой эгалари ширкатлари бундан қарийб ярим аср олдин ташкил этила бошлаган. Кишилар пул тўплаб, унга кўп хонадонли турар жойларни барпо этганлар. Шундан сўнг, ундан қандай фойдаланиш лозимлиги тўғрисида қарор қилганлар. Агарда яшовчилар орасида уй-жой коммунал хўжалиги соҳасига ақли етадиган мутахассислар мавжуд бўлса, фойдаланиш ишлари билан шуғулланишни улардан илтимос қилганлар. Мободо бундайлар бўлмаса, профессионал бошқарув компанияларига мурожаат этганлар. Айнан шундай компаниялар ҳозирда Шарқий Европа мамлакатларидаги кўп квартирали уй-жой фондининг аксарият қисмини бошқариш билан шуғулланмоқда. Энг муҳими, яшовчиларда танлаш имконияти бор: бошқарувчи компаниялар кўп ва улардан энг мақбули хизматларидан фойдаланишни танлашлари мумкин. Таъмирлаш ва тиклаш ишлари хусусида тўхталадиган бўлсак эса, бу ишларни амалга оширувчи фирмани бошқарувчи компания уйда яшовчилар билан ҳамкорликда танлайди. Бундай фирмалар кўп ва энг паст нархларда сифатлироқ ишлайдиганларини танлаш имконияти доимо мавжуддир.

Бизнинг республикамизда ҳам, гарчи коммунал хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича тегишли қонунчилик негизи ташкил этилган бўлса-да, бироқ ҳозирги пайтда бозор механизмларини янада фаолроқ татбиқ этиш мақсадида уни такомиллаштириш зарурати юзага келди.

10 февралдаги қарордан келиб чиққан ҳолда кўп хонадонли уйларга хизмат кўрсатишни яхшилаш учун Уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмалари ташкил этилади ва улар таркибига таъмирлаш-қайта тиклаш, авария хизматлари, пудрат ташкилотлари киради.

Бинобарин, Уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаларининг ташкил этилиши жуда муҳимдир. Зеро улар нафақат ширкатларни бирлаштирадилар, балки маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда умумий муаммоларни ҳал этишга имкон яратадилар. Бу жойлардаги давлат ҳокимияти органлари билан алоқа ўрнатишга кўмаклашади. Умумий мақсадларни амалга ошириш учун ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларнинг кўламини белгилайди.

Уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаларининг пайдо бўлиши шунингдек, уй-жой коммунал соҳасида хизматлар бозорининг ташкил этилишига ҳам олиб келади. Юқорида таъкидланганидек, кўпгина Европа мамлакатларида бундай бозор истеъмолчилар учун танлаш имкониятини беради. Мумкинки, қарорнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида бундай танлаш имконияти бизда ҳам юзага келади ва уюшмага ҳақиқатан ҳам бозор тамойиллари асосида ишловчи профессионал тузилмалар киради. Барчамиз шуни хоҳлаймизки, уйнинг таъмирини камроқ ҳақ оладиган ва яхшироқ бажарадиган ташкилот амалга оширса...

Амалиётнинг кўрсатишича, йигирма-ўттизта уйни ўз ичига олувчи йирик ширкатлар ўзини оқламаяпти. Улар ўз моҳиятига кўра ҳам ширкат бўлиши мумкин эмас.

Бу ерда «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги Қонунга кўра кишиларни барча муаммоларни ечиш учун асосий йиғин бўлган умумий мажлисларга тўплашнинг умуман иложиси йўқ. Ширкатнинг мақбул таркиби—битта кўп қаватли уй, деган фикрдамиз. Бунда йиғилишга яшовчиларни тўплаш, муаммоларни муҳокама қилиш, тегишли қарорлар чиқариш, зарурат туғилганда эса қарздорнинг «адабини» бериш енгилроқ кечади. Шу сабабдан, қарорга кўра 1 апрелга қадар битта УМШга бирлаштириладиган хонадонлар (уйлар) сонини қайта кўриб чиқиш ва мақбуллаштириш имкони берилади.

Барибир масала яшовчиларнинг ташаббускорлигига бориб тақалади. Шундай мисол келтирамиз. Шаҳримиздаги Оқтепа мавзесида йирик мебель дўкони бор. Унга учта кўп қаватли уй бирлашган: барча муҳандислик коммуникациялари дўкон ертўласи орқали ўтган. Буни ягона мажмуа сифатида таърифласак бўлади. Бир сўз билан айтганда, вазиятнинг ўзи учта уй ва дўконга ягона ширкат бўлиб бирлашишни тақозо этмоқда. Энг муҳими, дўкон маъмуриятининг ўзи шундай ширкатни ташкил этиш ташаббуси билан чиқмоқда. Бундан ташқари, ўз қозонхонасини қуриш, кўп қаватли уйлар томида муқобил энергия манбаи сифатида қуёш батареяларини ўрнатиш ғояларини илгари сурмоқда. Бироқ, яшовчилар ҳамон лоқайдлар. Қўрқадилар. Хўш нимадан қўрқадилар? Ахир ёмон бўлиши ҳеч ҳам мумкин эмас-ку, Қарорда кўп хонадонли уй-жой биноларида жойлашган бошқа мақсадларда фойдаланилаётган хоналарнинг эгалари турар-жой биносининг умумий мулкини сақлаш ва таъмирлашда иштирок этишлари ҳам кўзда тутилган.

Энди уй-жой мулкдорлари ширкатлари ходимларининг касб маҳорати тўғрисида сўз юритсак. Ширкатлар раҳбариятига суқилиб кирган тасодифий кишилар нафақат ишни бутунлай издан чиқардилар, балки ўзлари ишлаётган соҳани билмасликлари туфайли улар уйларнинг муҳҳандислик анжомларига ҳам катта зарар етказдилар. Масалан, мутахассис ертўлада пайдо бўлган сув яхшилик аломати эмаслигини билади. Ва сувни ертўладан чиқариб ташлаб, келгусида яна пайдо бўлмаслиги учун барча чора-тадбирларни амалга оширади. Тасодифий одам ушбу муаммога қўл силтаб қўя қолади ва ертўлага сув тўлганлиги сабабли уйнинг чўка бошлаганлиги, кўз олдида тўкилиб бораётганини ҳамда уни қайта тиклаш учун бир-икки миллион сўм маблағ талаб этилишини билса ҳайратга тушади. Шу сабабдан, раҳбар кадрларни касб маҳоратига ўқитиш жуда муҳимдир. Уй-жой фондини малакали мутахассислар бошқаришлари керак ва улардан мазкур фонднинг ҳолати тўғрисида доимо яшовчилар ҳам, ваколатли шахслар ҳам сўраб туришлари мумкин.

Муайян ҳуқуқлардан ташқари, барча кўп хонадонли уйларда яшовчиларнинг ўз мажбуриятлари ҳам бор. Жумладан, ҳам ўз қўшнилари, ҳам бинонинг муҳандислик анжомларига зарар етказмаслик мажбурияти мавжуд. Ҳозир қандай ҳолат юзага келди? Кўпгина кишилар хонадонларини хусусийлаштирганларидан сўнг, бу уларнинг шахсий мулклари ва у билан хоҳлаган ишни қилиш мумкин деган хаёлга бордилар. Бундай адашиш натижасида эса нафақат уйларни товуқхоналарга ўхшатиб қўювчи қўшимча қурилмалар пайдо бўлмоқда, балки уйни ушлаб турувчи деворлар олиб ташланмоқдаки, бу бутун уйнинг вайрон бўлишига олиб келиши мумкин. Шу сабабдан ҳам Ўзбекистон Республикаси «Даварxитектқурилиш» ва бошқа тегишли ташкилотларга ўзбошимча қурилмаларга қарши чора кўриш кўрсатмаси берилди.

Ҳисоблагичлар тўғрисидаги масала ҳам муҳим. Албатта, кўп хонадонли уйда ҳар бир энергия тури учун битта умумий ҳисоблагич ўрнатиш мумкин— бу арзонроққа тушади. Бироқ бундай йўл тобора ўз аҳамиятини йўқотиб бормоқда. Масалан, бир одам ақлини ишга солиб, газ ва сувдан тежамкорлик билан фойдаланиши мумкин. Бошқаси эса аксинча, иссиқхонасини газ билан иситиши томорқасини резина ичак орқали суғориши ва крандаги едирилган резина детални алмаштиришга эриниши мумкин. Натижада унинг ваннасида сув йиллаб томчилаб ётиши мумкин. Хўш, нима учун ушбу кишилар бир хилда ҳақ тўлаши керак? Табиийки, уларнинг ҳар бирига якка тартибдаги ҳисоблаш анжоми керак. Ўшанда, ҳозирда энергия элтувчиларга хўжакўрсинга сахийликни намойиш этаётган фуқаро, томорқасини ариқ суви билан суғоради, крандаги едирилган резинани ҳам тезда алмаштиради.

Энди қарздорлар тўғрисида. Ҳақиқатан ҳам уй-жой коммунал хўжалиги учун бу муаммоларнинг муаммосидир. Ва тарифлар ўсишига таъсир қилаётган салбий омиллардан биридир. Ахир кимдир хизмат ҳақини тўламаса, охир-оқибатда унинг учун бошқалар тўлайди-ку. Шуни айтиш керакки, кўпгина мамлакатларда қарздорлар ўз уй-жойлари билан улкан қарзларини тўлайдилар. Бизда ҳам шундай қилинадиган бўлди. Таъкидлаш жоизки, бу жуда ўз вақтида қилинди. Зеро, тўловларни тўламайдиганларнинг мониторинги ўтказилса, умуман кутилмаган нарсалар ойдинлашади. Масалан, ихчам пенсия оладиган кампир, уй-жой коммунал хизматлари учун тўловларни ўз вақтида тўлаб боради. Иккита машинаси бор ва катта ойлик даромадга эга бўлган фуқаро эса йўқ. Статистиканинг кўрсатишича, кўпчилик ҳолатларда айнан кўпроқ таъминланган кишилар катта қарзларга эгадирлар.

Шу ўринда фақат масалага нотўғри ёндошилмаса бўлди. Яна бир мисол, ёлғиз яшайдиган аёл ногирон, кичик пенсия олади. Унда квартира коммунал тўловлари учун қарз пайдо бўлди. Коммунал хизмати таъминотчилари эса, мутлақо ноқонуний равишда, бунга ҳеч қандай ҳуқуқи бўлмаган ҳолда квартирадан газ, сув ва электр қувватини узиб қўйди. Ваҳоланки, «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунда ижтимоий йўналишдаги масалаларнинг чуқур таҳлил қилган ҳолда ҳал этилиши лозимлиги айтилган. Шу сабабдан ҳар бир қарздорнинг ишини судга топширишдан олдин нима учун у тўловларни тўламаётгани ўрганиб чиқилиши лозим. Балки у жиддий касалликка чалинган ва бутун пуллари дори-дармонларга кетаётгандир, ёхуд ширкат билан шартнома тузмаганим учун тўламаяпман, деяётгандир. Агарда иккинчи ҳолатда ширкатнинг ҳаракатлари қатъий ва кескин бўлиши лозим бўлса, биринчисида гап маҳалла қўмитаси томонидан ёрдам тариқасида жуда бўлмаганда уй-жой коммунал хизматларига ҳақининг бир қисмини тўлаш учун пул маблағи ажратиши тўғрисида кетиши керак. Шунга аминмизки, Уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмасининг тузилиши шундай масалаларни ҳам тегишли даражада мувофиқлаштиришига имкон яратади.

Шундай қилиб 11 февралдаги қарорга мувофиқ, Республика Вазирлар Маҳкамаси қошида тарифлар ҳамда уй-жой коммунал хўжалигида ислоҳотларнинг амалша оширилиши дастури бажарилишининг мониторинги бўйича комиссия ташкил этилади. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексига қўшимчалар тайёрлаш ва киритиш, «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳририни тайёрлаш лозим бўлади. Давлат хусусийлаштирилган квартиралар эгаларига турар-жойларга хизмат кўрсатиш тизимини ислоҳ қилишда қатнашиш имкониятини яна бир бор бермоқда. Эндиги ҳаракат кўп қаватли уйларда яшовчиларнинг ўзида қолган. Агарда улар ҳозир ташаббус кўрсатишадиган бўлишса, яна ҳам яхши яшайдилар, лоқайд ва ҳаракатсиз қолсалар эса аввалгидек ҳеч ким ҳеч нарсага жавоб бермайди.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ**

**ТАҲРИРИЯТДАН. Уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ислоҳотларни амалга оширишда уй-жой мулкдорлари ширкатларининг тузилишидан тортиб, улар фаолиятини ташкил этишда бозор иқтисодиёти механизмларидан фойдаланишгача бўлган барча босқичлар муҳим ўрин тутади. Шаҳримиз туманларида уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги янгиланишлар жараёни қандай кечаётганлиги тўғрисида газетанинг кейинги сонларида тўхталиб ўтамиз. Биз газетхонлардан жойлардаги холис аҳвол баён этилган мактубларни кутиб қоламиз.**

## Шарқ дурдоналари

### Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

Бахил яхшиликни ёмон кўради, ёмонликка эса қарсак уради.

Бахиллик бир тикон, агар у кимга ботса ўлдирмай қўймайди.

Бахил одам йўлдош бўлмайди: бордию йўлдош бўлиб қолса қорни шишиб ўлади.

Бир подшо рикобдорлик вазифасини бажарувчи мулозимга қараб: «Бир сирим бор, аъёнлардан ҳеч кимга айтишга кўнглим бўлмаяпти, уни сенга айтмоқчиман!» — деди. Рикобдор унга:

**Жоним таним ичра бор**
**экан пинҳон,**
**Сиринг жоним ичра**
**яширин мудом,** —

деб жавоб берибди. Подшо унга: «Акамдан хавфдаман, унинг зарари менга етмай туриб, вужудининг тиконини мамлакат чаманидан юлиб ташламоқчиман!» — деди.

Рикобдор аҳвол саҳифасига бевафолик рақамини чекиб, унинг акаси олдига етиб борди ва бўлган воқеадан уни огоҳ қилди. Подшонинг акаси вақтида чора-тадбирни кўриб қочиб қутилди.

Орадан бир қанча муддат ўтгач, подшо ўлди ва унинг ўрнига акаси тахтга ўтирди. Унинг биринчи фармони рикобдорни ўлдириш ҳақида бўлди. У рикобдорга деди:

**Тилинг бўлса эди сир**
**учун йўлдош,**
**Қиличдан узилмас эди**
**хаста бош!**

Шундай қилиб, рикобдор маломат ўқига нишон бўлди ва кўрнамаклик қуръаси унинг ҳаётига тамға бўлиб босилди.

● Бир киши Мусъаб ибн Забайр олдига келиб, Аҳнаф ҳақида қўрқинчли уйдирма ғийбат гапларини гапирди. Мусъаб Аҳнафни чақиртириб келди. Унга хитобан воқеани баён қилди. Аҳнаф уйдирмачи кишининг ёлғончи ва ғийбатчилигини айтиб,ўзини оқлашга киришди. Мусъаб деди «Унинг айтган гапларига адолат юзасидан қараганда ишончга лойиқдир!» Аҳнаф унга деди: «Агар сенда ишонч ва адолат бўлганда эди, ғийбатчининг сўзига қулоқ солмаган ва уни уйингдан ҳайдаб чиқарган бўлардинг!»

● ҲИКМАТ. Бойлик ўткинчи нарсадир. Ақлли киши ўткинчи ҳою ҳавасга берилмайди. Байт:

**Бойлигинг роҳатинг**
**бўлса ҳам сенга,**
**Фано ғуборидан**
**бўлади барбод**
**Ҳақиқий бойликни**
**кирит қўлингга,**
**Икки кунлик нарса учун**
**бўлма шод!**

● Ғазабсиз кишини синмас киши дейдилар. Мулойим киши шундай кишики, ғазаб ўтини жидду жаҳд билан танидан чиқара олади.

Байт:

**Ғазаб келса ундан**
**енгилмоқ нуқсон,**
**Ғазабин енголган**

*2005 йил —*

*Сиҳат-саломатлик йили*

# БУЮК АЛЛОМА АБАДИЯТИ

**Мамлакатимизда дунё илм-фани, маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк алломаларимиз меросини чуқур ўрганиш, кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилаётир.**

Буюк ватандошимиз Абу Али ибн Сино номи жаҳонда улуғ мутафаккир, қомусий олим, тиб илмининг буюк намояндаси сифатида эътироф этилган. Бобокалонимиз асарлари дунёнинг ўнлаб тилларида миллионлаб нусхада нашр этилган.

Улардан бири - «Тиб қонунлари» ўн асрки, бутун дунёда табобат соҳасидаги энг муҳим қўлланмалардан ҳисобланиб келмоқда. Юртбошимиз ташаббуси билан бу йил 1000 йиллиги кенг миқёсда нишонланадиган Маъмун академияси фаолияти ҳам Ибн Сино номи билан чамбарчас боғланган.

Алломадан фақат тиббиётга эмас, астрономия, фалсафа, мусиқа, минералогия, тилшунослик каби соҳаларга ҳам оид кўплаб асарлар мерос қолган. «Ал-ҳосил вал-маҳсул», «Китоб аш-шифо», «Ал-афъол вал-инфиолот», «Уржуза», «Ҳай ва Яқзон», «Юсуф ҳақида қисса», «Саломон ва Ибсол» каби асарлар шулар жумласидандир. Аллома қаламига мансуб 450 дан ортиқ асардан бизгача 242 таси етиб келган.

Ибн Синонинг бой меросини чуқур тадқиқ этиш борасида мамлакатимизда ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 1999 йил 6 январдаги Фармонига мувофиқ Ибн Сино халқаро жамғармаси ташкил этилди. Мазкур жамғарма томонидан улуғ аллома ҳаёти ва ижодини ўрганиш, мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

— Ибн Синонинг бой илмий ва маънавий мероси серқирра ва чуқур маъно-мазмунга эга, — дейди жамғарма бошқаруви раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор Шуҳрат Эргашев ЎзА мухбирига. — Шу боис, фаолиятимизда Ибн Синонинг тиббиётга оид тавсияларини татбиқ этиш, асарларини ўрганиш ва ўргатиш ишларига алоҳида эътибор қаратяпмиз. Ҳозирга қадар аллома таълимоти бўйича бир қатор асарлар, рисола ва мақолалар чоп этилди.

Жамғарма ҳузурида ташкил этилган марказларимиз аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни тарбиялаш, гиёвандлик ва ОИТСга қарши кураш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишларга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётир.

Тиббиётдаги муҳим йўналишлардан бири - геронтология фанининг юзага келиши улуғ юртдошимиз фаолияти билан боғлиқ. Тиббиётга оид асарлари, жумладан «Тиб қонунлари»да кекса ёшдаги кишиларда учрайдиган касалликлар ва уларни даволаш, қариялар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида кўпгина фойдали тавсиялар берилган. Жамғармага қарашли Геронтология маркази буюк алломанинг бундай тавсияларини ўз фаолиятида кенг қўллаб келмоқда.

Хорижий ташкилотлар билан мунтазам ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Жамғарма ташаббуси билан ҳар йили ташкил этиладиган Ибн Сино халқаро ўқишларига дунёнинг турли мамлакатларидан вакиллар келади. Жамғарма томонидан нашр этилаётган «Ибн Сино — Авиценна» журнали кўпгина хорижий мамлакатларга тарқатилади.

Чет элларда ҳам жамғармамизнинг ваколатхоналари иш олиб бораётир. Жумладан, 2003 йилда Париж шаҳрида «Avicenna-France» ассоциацияси ташкил этилди. Унинг асосий мақсади Францияда улуғ бобомиз меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, Ибн Сино ўтган йўллар бўйлаб саёҳатлар уюштириш, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар ривожига ҳисса қўшишдан иборат. Яқинда мазкур ваколатхона томонидан замонавий тиббий жиҳозларга эга иккита тез ёрдам машинаси Қашқадарё ва Қорақалпоғистондаги тиббий муассасаларга ҳадя қилинди.

Жамғарма ташаббуси билан мамлакатимизда илмий туризм ҳам шаклланиб бораётир. Француз мутахассислари Ибн Сино ватани билан яқиндан танишиш учун ҳар икки-уч ойда мамлакатимизга келиб туришади.

АҚШ, Россия, Канада, Эрон, Миср, Ҳиндистон сингари мамлакатлардаги бир қанча тиббий ва илмий муассасалар, халқаро ташкилотлар, хусусан ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан йўлга қўйилган ҳамкорлик ҳам ўз самарасини беряпти.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан 2005 йилнинг Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилиниши фаолиятимизнинг янгича йўналишларини белгилаб берди. Бу борада амалга ошираётган ишларимиз кўлами янада кенгайди.

Бу йил улуғ аллома таваллудига 1025 йил тўлади. Шу муносабат билан Ибн Сино халқаро ўқишлари доирасида «Буюк мерос ва миллат саломатлиги» мавзуидаги халқаро конференция ўтказилиши «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурига киритилган. Унда дунёнинг қатор мамлакатларидан олим ва мутахассислар иштирок этиши кутиляпти. «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажаришда, буюк бобомиз меросини ўрганиш ва тарғиб қилишда жамғарма ходимлари ҳамда фаоллари ўз куч-ғайратларини, билим ва тажрибаларини аямайдилар.

**ЎзА мухбири**
**Рустам ЖАББОРОВ**
**суҳбатлашди.**

# ЎҚУВЧИЛАР ПУХТА БИЛИМ ЭГАЛЛАМОҚДА

**Юртимизда кадрлар тайёрлаш ҳамда мактаб таълимини ривожлантиришга қаратилган давлат дастурларида белгиланган вазифалар изчил амалга оширилмоқда. Бу эса таълим тизимини такомиллашиб боришига хизмат қилаётир.**

Пойтахтимизда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими Вазирлиги ҳузуридаги касб-ҳунарга йўналтириш ва профилли меҳнат таълими Республика ихтисослаштирилган лицейида айни пайтда 115 нафар ўқитувчи 1125 талабага давлат таълим стандартлари асосида муайян ихтисосликлар бўйича билим бериб, уларни турли касбларга йўналтирмоқда.

Таъкидлаш керакки, мазкур лицейда ўқувчиларнинг пухта билим эгаллашлари учун барча шарт-шароит яратилган. Хусусан, замонавий компьютерлар билан жиҳозланган хоналар, ўқув лабораториялари, тикув, дурадгорлик, машина тузатиш устахоналари бу ерда таълим олаётган йигит-қизлар ихтиёрида.

**СУРАТЛАРДА: лицей ҳаётидан лавҳалар.**
**Сарвар Ўрмонов (ЎзА) олган суратлар.**







ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

*Бу — қизиқ*

## ИНСОН 200 ЙИЛ ЯШАШИ МУМКИН

**Юз йил олдин инсон ҳаётининг давомийлиги 49 ёшга тенг эди. Бугун эса бу рақам 79 ни ташкил этяпти. Келажакда 2 ёки 3 баравар ошиши мумкин экан. Калифорния университети (АҚШ) тадқиқотчилари ана шундай хулосага келишди.**

Доктор Рой Уотфорд узоқ яшаш учун кам калорияли овқат истеъмол қилиш керак, деб ҳисоблайди. 1935 йилдаёқ шу тарзда ҳўрак еган ҳайвонлар ўз қавмларига нисбатан узоқ яшаганлиги қайд этилганмиш. 60-йилларда сичқонларда ўтказилган лаборатория тадқиқотлари бундай озуқа еб ўсган жониворлар ҳаётининг давомийлиги 2 бараварга ошганлигини тасдиқлаган эди. 90-йилларнинг охирида худди шундай натижаларни манакалар билан ўтказилган тажрибалар чоғида олган олимлар кам калорияга эга парҳез ҳаёт узвийлигини оширишнинг расмий усули деб қабул қилишди.

Олимларнинг кузатувига кўра кам калорияли парҳез танани яхши ҳолатда сақлаш имконини беради. Узоқ умр кўриш эса фақат умумий сиҳат белгиси ҳисобланар экан. Узоқ ҳаёт кўриш учун ҳар хил ширинликлардан воз кечолмаётган генетиклар ютуқларига умид қилиб қўя қолиши мумкин. Сўнгги тадқиқотлар инсоннинг ҳар бир хромосомалари ичида муҳим хужайра — тана ўлчагичлари (теломерий)ни топишга имкон берди. Вақт ўтиши билан уларнинг қисқариши кузатилди.

Калифорния университети генетиклари мустақил (ўзгаришлар)ни бошқариш ёрдамида чувалчанглар тана ўлчагичларининг қисқариш жараёнини тўхтатишга муяссар бўлгандилар. Чувалчанглар ҳаётининг давомийлиги икки мартага кўпайганидан кейин бу каби тажрибани маймунларда қўллаш режалаштирилди. Тажрибалар муваффақиятли ўтгач, тез орада инсон ҳаётини 200 ёки 300 йилга узайтириш имконини берувчи дорилар пайдо бўлса не ажаб!


## Давлат Мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги

«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси томонидан 2005 йилнинг 25,29 март ва 1,5,8,12,15,19,22,26,29 апрель кунлари аукцион савдоларини ўтказади

Савдоларга Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Боровский кўчаси, 6-уйда жойлашган Тошкент шаҳар ҳокимлиги автотранспорт корхонасининг 1995й. ишлаб чиқарилган, д/р 10ТН 080 бўлган ДЭУ «Супер Салон» русумли автотранспорт воситаси қўйилади. Бошланғич нархи 4 625 000 сўм.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10% миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК «Ўзуйжойжамғармабанк» Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳ/р тўлайдилар. Аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11-00 да бошланади.

**Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16 «А» уйда ўтказилади. Телефонлар: 133-23-40; 133-02-49.**





# ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

**Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг «Ўзбекистон» телеканали, Тошкент Давлат цирки ҳамкорликда 7 март соат 18:30 да**

**«СЕН БАҲОРНИ СОҒИНМАДИНГМИ?»** деб номланган **Наврўз байрам дастурини тақдим этади.**
**Дастурда Ўзбекистон халқ артистлари**
НУРИДДИН ҲАМРОҚУЛОВ
МАЪМУРЖОН ТЎХТАСИНОВ
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар**
МАВЛУДА АСАЛХЎЖАЕВА
ИЛҲОМ ЖЎРАЕВ
АБДУЛҲАЙ КАРИМОВ
ШУҲРАТ ҚАЮМОВ
АВАЗБЕК ОЛИМОВ
СОБИРЖОН МЎМИНОВ
**Хонандалар**
ШУҲРАТ ДАВЛАТОВ
УМИДА МИРҲАМИДОВА
ШАҲЛО РУСТАМОВА
ДИЛНОЗА ИСМИЯМИНОВА
ХУРШИДА ЗУННУНОВА ва бошқа таниқли санъаткорлар, сўз усталари, аскиячилар иштирок этадилар.
Дастурни Ўзбекистон телевидениеси дикторлари олиб боришади.

**Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг “Ўзбекистон” телеканали, Тошкент Давлат цирки ҳамкорликда 8 март соат 18:30 да**

**“СЕН БАҲОРНИ СОҒИНМАДИНГМИ?”** деб номланган **Наврўз байрам дастурини тақдим этади.**
**Дастурда Ўзбекистон халқ артисти**
НАСИБА АБДУЛЛАЕВА
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар**
ҒИЁС БОЙТОЕВ
РАШИД ХОЛИҚОВ (“ШАҲЗОД” ГУРУҲИ)
**Хонандалар**
ОЗОДБЕК НАЗАРБЕКОВ
ДИЛДОРА НИЁЗОВА
АНВАР САНАЕВ
ИРОДА ИСКАНДАРОВА
ОТАБЕК МАДРАҲИМОВ
МАНЗУРА
ЁДГОР МИРЗАЖОНОВ
ХУРШИДА ЗУННУНОВА ва бошқа таниқли санъаткорлар, сўз усталари, аскиячилар иштирок этадилар.
Дастурни Ўзбекистон телевидениеси дикторлари олиб боришади.

**Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг “Ўзбекистон” телеканали, Тошкент Давлат цирки ҳамкорликда 9 март соат 18:30 да**

**“СЕН БАҲОРНИ СОҒИНМАДИНГМИ?”** деб номланган **Наврўз байрам дастурини тақдим этади.**
**Дастурда Ўзбекистон хизмат кўрсатган артистлар**
РАВШАН КОМИЛОВ
НИЛУФАР РАҲМАТОВА
ИЛҲОМ ИБРАГИМОВ
КУМУШ РАЗЗОҚОВА
АНВАР ҒАНИЕВ
ЛАРИСА МОСКАЛЁВА
**Хонандалар**
РУСТАМ МАҲМУДОВ
ГУЛСАНАМ МАМАЗОИТОВА
ШАҲНОЗАБОНУ
ТОШПЎЛАТ МАТКАРИМОВ
ХУРШИДА ЗУННУНОВА ва бошқа таниқли санъаткорлар, сўз усталари, аскиячилар иштирок этадилар.
Дастурни Ўзбекистон телевидениеси дикторлари олиб боришади.

**Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг “Ўзбекистон” телеканали, Тошкент Давлат цирки ҳамкорликда 10 март соат 18:30 да**

**“СЕН БАҲОРНИ СОҒИНМАДИНГМИ?”** деб номланган **Наврўз байрам дастурини тақдим этади.**
**Дастурда Ўзбекистон халқ артисти**
ҒУЛОМЖОН ЁҚУБОВ
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар**
ИЛҲОМ ФАРМОНОВ
СЕВАРА НАЗАРХОН
АБДУЛАЗИЗ КАРИМ (“АСР” ГУРУҲИ)
ИЗЗАТИЛЛА ИБРОҲИМОВ (“ХЎЖА” ГУРУҲИ)
**Хонандалар**
САМАНДАР ҲАМРОҚУЛОВ
САРВАРА ОДИЛХЎЖАЕВА
АЪЛО РАҲИМОВА
ЛОЛА ЙЎЛДОШЕВА
ХУРШИДА ЗУННУНОВА ва бошқа таниқли санъаткорлар, сўз усталари, аскиячилар иштирок этадилар.
Дастурни Ўзбекистон телевидениеси дикторлари олиб боришади.

**Саҳналаштирувчи режиссёр ЗОКИРЖОН ҚАЮМОВ.**
**Эфир сифатини таъминлаш мақсадида ЖОНЛИ ИЖРО ва ФОНОГРАММАдан фойдаланилади.**
**Дастур “Ўзбекистон” телеканали орқали 21-22 МАРТ кунлари намойиш этилади.**
**Чипталар Цирк кассаларида сотилмоқда.**
**Маълумот учун телефонлар: 144-29-04, 144-32-23, 144-35-91**
**Жамоа бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинмоқда.**


*Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси қуйидаги бўш ўринларга*

## ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Индустрия ва ёқилғи-энергетик мажмуасида хусусийлаштириш бошқармаси бошлиғи;
Давлат мулкини бошқариш бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари;
Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари;
Бухгалтерия ҳисоби бўлими бошлиғи ўринбосари;
Бош мутахассис.
Танловда иштирок этувчилар учун шартлар:
Иқтисод, молия ёки ҳуқуқшунослик мутахассисликлари бўйича олий маълумот;
Ишлаб чиқариш ёки бошқарув органлари соҳасида камида уч йиллик меҳнат тажрибасига эга бўлиш;
Тошкент шаҳрида доимий рўйхати бўлиши керак.
Танлов иштирокчиларининг ҳужжатлари:
Резюме, паспорт, ҳарбий гувоҳнома, маълумоти тўғрисидаги диплом, меҳнат дафтарчаси.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй.
Телефонлар: 139-20-40, 139-20-45.

*Футбол*

## ТОШКЕНТ ТУРНИРИ БОШЛАНДИ

**Февраль ойи мухлислар учун қизиқарли футбол учрашувларини тақдим этмоқда. Яқиндагина жаҳон чемпионати саралаш турнирининг иккинчи босқич беллашувида Ўзбекистон ҳамда Саудия Арабистони терма жамоалари ўзаро куч синашган бўлса, айни кунларда Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти стадионларида Ўзбекистон футбол федерацияси Кубоги мусобақалари давом этмоқда.**

Шаҳримизга КЕЧА яна катта футбол кириб келди. Ўзбекистон футбол федерацияси ҳамда «Пахтакор» клуби ҳамкорликларида ташкил этилган «Тошкент халқаро турнири» мусобақалари старт олди.

Шуниси эътиборлики, ушбу нуфузли турнирда олти жамоа икки гуруҳга бўлингани ҳолда ғолиблик учун кураш олиб боради. «А» гуруҳида Ўзбекистон олимпия терма жамоаси, «Пахтакор» ҳамда Арманистоннинг «Пюник» жамоалари, «В» гуруҳида эса Белорус ёшлар терма жамоаси, Латвиянинг «Сконто» ва Фарғонанинг «Нефтчи» жамоалари майдонга тушишади.

КЕЧА МҲСК стадионига йиғилган мухлислар Равшан Ҳайдаров бош мураббийлигидаги Ўзбекистон олимпия терма жамоаси ҳамда Арманистоннинг "Пюник" клуби футболчилари баҳсининг гувоҳи бўлишди. Шиддатли, муросасиз кечган беллашув 2:1 ҳисобида ҳамюртларимизнинг ғалабаси билан якунланди. Тўпларни рақиблар дарвозасига Садриддин Абдуллаев киритди.

Ушбу турнир биринчи март куни якунланади.

## ПОЙТАХТ ЖАМОАЛАРИ — ЯРИМ ФИНАЛДА

**Ўзбекистон футбол федерацияси Кубоги мусобақаларининг чорак финал беллашувлари бўлиб ўтди.**

Айтиш жоизки, ушбу баҳслар шаҳримиз жамоаларига омад келтирди. Унда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Пахтакор-2» — «Сўғдиёна» -1:0, «Трактор» — «Тўпаланг» — 2:3, «Бухоро» — «NBU—Осиё» — 0:2, «Металлург» — «Кимёгар» — 1:1 ( пенальтилар бўйича «Кимёгар» ғолиб)

Шундай қилиб ярим финалга «Пахтакор-2», «Тўпаланг», «NBU—Осиё» ва «Кимёгар» жамоалари йўлланма олишди.

Ўзбекистон футбол федерацияси Кубогининг ярим финал учрашувлари ЭРТАГА бўлиб ўтади.

**(Ўз мухбиримиз)**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонаси жамоаси кутубхона директори Бахтиёр Набиевич Қодировга набираси **ФАРАНГИС**нинг бевақт ўлими муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

*Ҳукм ўқилди*

## ОИЛА РИШТАСИ УЗИЛМАСИН

**Аёлни жуда кўп ва хўп таърифлашади. Уни гулга, баҳорга, энг гўзал, энг сирли, энг азиз нарсаларга қиёс қилишади. Аёлни муҳаббат, садоқат рамзи дея достону байтлар битишади.**

Дарҳақиқат, аёл дунёни бир қўли билан тебратаётган хилқат. Аёл ўз номи билан аёл! У она, опа, сингил, вафоли ёр, ширинсўз бека....

Лекин бугун биз қаламга олмоқчи бўлаётган воқеа дилга оғриқ бериб, кишини ўйлатади, бегуноҳ, норасида гўдаклар тақдири, бемаҳал ўлим, қилган қилмишидан пушаймонда бўлган, тақдирнинг аччиқ синовига дучор бўлган аламзада аёл ҳаётига ачинтиради.

Жиззах вилоятининг Бахмал туманида туғилган Шоҳида Ҳамроева 1998 йилда Жиззах шаҳридаги Педагогика билим юртини тамомлаб, ширин орзу-хаёллар билан 1999 йилда Ҳусниддин Мавлоновга турмушга чиқди. Тўйдан 20-25 кунлар ўтгандан кейин турмуш ўртоғининг меҳнат таътили тугаганлиги боис пойтахтга келишди. Бу вақтда Ҳусниддин Тошкентда ички ишлар соҳасида ишлар, ёш оила Чилонзор тумани, Ал-Хоразмий даҳасидаги 19-ётоқхонада истиқомат қиларди. Ёш оиланинг ҳаёт тарзи ана шундай бошланди. Бирин-кетин оилада икки ўғил дунёга келди. Бири 3 ёшга, иккинчиси эса 1,5 ёшга қараб кетди. Ташқаридан қараганда Ҳусниддиннинг оиласи рисоладагидек эди. Эр кимсан тинчлик-осойишталик қўриқчиси, оилали, икки фарзанднинг отаси, она ҳам Жиззах шаҳар педагогика билим юртини тугатган, лекин бирон жойда бир кун ҳам ишламаган, оилавий шароити, фарзандларнинг жуда ёшлиги.... сабаблар эса жуда кўп.

Оила шундай муқаддас даргоҳки, унда адолатлилик тамойиллари бузилса, аёл хўрланса, оёқ ости бўлса жаҳолат, ғазаб, нафрат бош кўтаради, кишини ўз измига солади. Бахтли ҳаёт орзу-хаёллари ичида сармаст бўлган Шоҳиданинг оиласида ҳам ана шу ҳолат ҳукмрон эди. Дастлабки йиллар яхши яшаган бўлсада, кейинги вақтда эрининг ичиб келиши, уриб-сўкишлари унинг жон-жонидан ўтиб кетган, отасининг уйига аразлаб ҳам кетиб қолар, лекин икки қоракўзини тирик етим қилиб қўйишга кўзи қиймай, эри келиб кечирим сўраган заҳоти олдига тушиб Тошкентга қайтиб кетарди.

Лекин минг афсуски, узр сўраш бир-икки кунга етиб яна шу аҳвол давом этар, уруш-жанжалларнинг охири кўринмасди. Турмуш қурганларига 4,5 йил бўлибдики аҳвол шу. Шоҳида нима қилсин, додини кимга айтсин.

Маълумки, янги йилни ҳамма бирдек энтикиб кутади, ўтаётган йилда қилинган ишлар сарҳисобига кўз югуртириб, ушалмаган орзулар янги йилда амалга ошсин деб ният қилинади. Шоҳида ҳам янги—2004 йилни ана шундай кутди. Болаларини ювинтириб, озода кийимларини кийдириб, уйни саранжом-саришталаб чиройли байрам дастурхонини тузашни режалади. Ҳусниддин эса 31 декабрь куни соат 17.30 ларда ишга кетаётгани, бугун қайтмаслигини айтиб чиқиб кетди. Эрининг бундай қилиқларига ўрганиб қолган аёл чурқ этолмади, кўзлари мўлтираб турган кичкинтойларини бағрига босганча қолаверди.

Янги йил ҳам кириб, 2004 йилнинг биринчи тонги отди. Кимларгадир бахт-омад, қувонч олиб келган йилнинг илк кунида жабр-зулмдан безиб, парокандалик остонасида турган бу оилада аччиқ кўз ёш тўкилди, дарду аламдан кўзи кўр, қулоғи кар бўлган аёлнинг қўллари қонга бўялди...

1 январь куни тахминан соат 13.30 лар атрофида уйига ғирт маст бўлиб етиб келган Ҳусниддин эшикни қаттиқ тақиллатди. Кечаси билан ухламай чиққан, уй ишлари билан банд бўлган Шоҳида эса уни эшитмади. 3 ёшли Жавоҳир югуриб бориб онасига эшик тақиллаётганини айтди, Шоҳида эшикни очдию оёғида туролмаётган эрини кўриб юраги шувиллаб кетди. Жавоҳир эса отасининг олдига югуриб борди, кайфнинг зўридан кўзи очилмаётган ота уни итариб юборди. Шоҳида амаллаб уни уйга олиб кириб кийимларини алмаштирди, ўрнига ётқизиб қўймоқчи бўлди.

— Нари тур, — деб хотинига ўшқирганча болалари ёнига яқинлашган Ҳусниддин ўғлининг йиғлаб ўтирганини кўриб қони қайнаб кетди.

—Нега йиғлайсан, ҳозир шу ерга қўйган олмам қани? —деганча ўғлини камар билан савалади.

— Мени уринг, болаларимга тегманг, — деб уларнинг ёнини олган Шоҳидани ҳам аямай урди, тепкилади. Боши билан деворга урилиб, карахт бўлиб қолган Шоҳида, ҳаётдан тўйиб кетдим, аввал болаларимни, кейин ўзимни ўлдираман деб дод солгандан сўнг Ҳусниддин унинг қўлига таёқ бериб, — қани мени ўлдир, юрагинг борми, деб ўзини ура бошлади. Калтак зарби ва алам-нафрат ўтида ёнган аёл жон аччиғида эрининг юз-кўзи демай ураверди...

Қанча вақт ўтди, билмайди, катта ўғли Жавоҳир келиб қўлидан тортиб тургазмоқчи бўлаётганда ўзига келди. Қараса уйнинг бир бурчагида ётибди, ўғли эса титраб-қақшаб, «ая, дадамни болта билан уриб ташладингиз, қўлингиз ҳам қон бўлибди, ювиб ташланг», деганда эса жуда ёмон воқеа рўй берганини элас-элас англади. Аввал юз-қўлини ювди, сўнг эса болтани олиб уни ҳам тозалаб ювиб ваннанинг тагига яшириб қўйди.

Энди Шоҳидани ақл эмас, шайтоний бир шуур бошқарар, у қилиб қўйган ишининг даҳшатини сезиш қобилиятидан маҳрум эди. Хонада қонга беланиб ётган эрини кўриб тамоман ўзини йўқотганча бор овози билан бақириб юборди ва болаларим қонни кўрмасин деб унинг устига кўрпача ташлаб қўйди. Тун кечада икки боласини олиб ота уйига қараб йўл олди...

Билиб-билмай қотилликка қўл урган, турмушнинг аччиқ синовига дош беролмай, болаларининг отаси, ўз жуфти ҳалолининг умрига зомин бўлган аёл энди ўзини қанча лаънатламасин бари бефойда эди. Одамзот барибир қилмишлари учун вақти келиб албатта жазо олишини, бир кам дунёнинг сиру синоатларига энг олий насаб-фақат инсонгагина берилган ақл билан иш юритиш кераклигини у жуда кеч англади.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судида, судья А.Қодиров раислигида ушбу қотиллик иши кўриб чиқилди. Гувоҳларнинг берган кўрсатмалари, суд биология, суд-тиббиёт экспертизасининг хулосалари атрофлича ўрганилиб, Шоҳида Ҳамроева жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 97-моддасининг 2-қисми, «Ж» бандида кўрсатилган жиноятни содир этган, деб топилди.

Юқоридаги қотиллик ишида судлов ҳайъати Шоҳида Ҳамроевага жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми қарори талабларига амал қилган ҳолда жиноят натижасида оғир оқибатлар келиб чиққанлигини, ушбу жиноят ўта шафқатсизлик билан содир этилганлигини ҳисобга олиш билан бирга, унинг айбига қисман иқрорлик билдириб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, аёллигини, қарамоғида икки нафар вояга етмаган ёш фарзандлари борлигини, ушбу жиноятнинг келиб чиқишига марҳум Ҳ.Мавлоновнинг ҳаракатлари ҳам сабаб бўлганлигини эътиборга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаб, қонун санкциясида кўрсатилгандан ҳам камроқ жазо тайинлашликни лозим деб топди. Яъни Шоҳида Ҳамроева Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 97-моддасининг 2-қисми, «Ж» банди билан айбдор деб топилиб ва шу моддага асосан унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 57-моддаси қўлланилгани ҳолда тўққиз йилга озодликдан маҳрум этилди.

Суд томонидан ҳукм эълон қилинди, хотин-қизлар томонидан содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлаш амалиёти каби қатор тамойиллар асосида жиноятга жазо тайинланди. Воқеага нуқта қўйиш вақти аллақачон етиб келди, лекин ушбу қотиллик тафсилотини ипидан игнасигача ўрганган одамга эса бир фикр, бир ўй тинчлик бермайди. Нима бўлганда ҳам бу ёруғ оламнинг сарвари бўлган одамзотнинг умрига нуқта қўйилди, ота-она меҳрига ҳали қонмаган икки норасида ҳам отасидан, ҳам онасидан бирданига айрилиб аро йўлда қолди, фариштага, гулу анбарга қиёсланган аёл темир панжара ортида қилмишлари жавобини беришга маҳкум. Нега бундай бўлди, улар ўзга сайёрада эмас, шундоққина ёнимизда эдилар-ку? Нега тинимсиз бўлаётган уруш-жанжалларга томошабин бўлдик? Лоқайдлик билан қўл силтаб қўя қолганимиз эртага ўз юрагимизга тиғ бўлиб санчилишини ўйлаб ҳам кўрмадик. Нега хат-саводи бўла туриб, кечагина педагогика билим юртини тугатган Шоҳида ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг тўғри йўлини танламади? Бу каби қатор саволларга эса жавобимиз битта бўлиши мумкин. Қонун устуворлиги ва барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги ижтимоий тараққиётимизнинг асосий бўғини экан, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар изчил давом эттирилаётган кунда бизнинг вазифамиз ҳам битта бўлмоғи керак. Имкон қадар бир-биримиздан, атрофимизда бўлаётган воқеа-ҳодисалардан бохабар бўлиб, ҳақ-ҳуқуқимизни талаб қилиш билан бирга ўз вазифа-мажбуриятимизни тўғри англаб, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий саводхонлигимизни оширишдан асло чарчамаслигимиз лозим.

**Шоира СУЛАЙМОНОВА,**
**Жиноят ишлари бўйича**
**Тошкент шаҳар суди судьяси,**
**Шоира МУҲАМЕДОВА,**
**журналист.**

*Мунажжим башорати*

## ЁҚИМЛИ ХАРИДЛАР ҚИЛИНГ

### 24 февраль, пайшанба

**Турмуш қувончлари, муҳаббат ва ижод, кутилмаган ёқимли тасодифлар куни. Бугун оғир ишларни бажариш, ўз-ўзини зўриқтириб, ҳориб-чарчаш тавсия этилмайди. Бугун янги буюмлар сотиб олмаганингиз маъқул – улар тез тўзиб кетади.**

Ёлғиз қолиш, тушкунликка берилиш, зерикиш ман этилади. Кўпчиликка қўшилинг ва хурсандчилик қилинг, очиққўнгил ва эркин, самимий бўлинг. Меҳмонга боринг ёки меҳмонларни таклиф этинг.

Бу куннинг рамзи каптарга алоқадор бўлиб, у адолат ва мувозанат, руҳий ва жисмоний тана уйғунлиги билан белгиланади. Бу уйғунликнинг ҳар қандай бузилиши нохуш ҳолатларга олиб боради. Осойишталикка интилиш, кўнгил оромини ҳеч ҳам безовта қилмаслиги керак. Ҳамма нарсада меъёрга риоя қилиш – куннинг бош шиори.

Сариқ металлдан ясалган буюм топиб олиш бугун яхши аломат ҳисобланади. Мабодо, тугмача ёки кийимингизга тегишли бирор-бир нарсангизни тушириб ёхуд йўқотиб қўйсангиз – бу сизга кераги бўлмаган ортиқча нарсалардан халос бўлишингизни билдиради. Сув билан боғлиқ ҳар қандай аломатлар зарар ва моддий муаммолардан огоҳлантиришдир.

Қуёш кўтарилгандан кейин кўрилган тушлар унчалик аҳамиятга молик эмас. Тушда оқ рангни кўриш — яхшилик аломати.

Саломатлик борасида ошқозон-ичак йўли хасталикларга мойил бўлади. Шунинг учун оғир, дағал таомлардан воз кечганингиз маъқул.

Кийинишда ёрқин ранглар ҳам байрамга монанд, ҳам дилларга ёқади. Қора ва қизил рангли либослар тавсия этилмайди.

**БУГУН:**

— машғулот турини, ўқиш ёки иш жойини алмаштириш;

— бирон нарса харид қилиш,

— саёҳатларга, туристик сафарларга йўл олиш;

— янги танишлар орттириш,

— нотиқлик қобилиятингизни намоён этиш (сизнинг омадингиз сўзлашув маҳоратингизга боғлиқ) тавсия этилади.

Ҳаддан зиёд жиддий ва мураккаб вазифаларни ечишни мақсад қилиб қўйиш, оилавий муаммоларга ортиқча эътибор қилиш, одамларга табиатдаги мавқеига қараб баҳо бериш, китоб мутолаасига муккадан кетишни маслаҳат бермаймиз.




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2812 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-109. 1 2 3 4 6